

**«ОУДИН НАУОТ» РЕСПУБЛИКА СОҒЛОМ ТУРМУШ
ТАРЗИНИ ТАРҒИБ ҚИЛИШ МАРКАЗИ**

**УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА
ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ
ШАКЛЛАНТИРИШ**

ТОШКЕНТ – 2014

УЎК: 37.017.92
КБК 74.202.4
М-18

М-18 **Узлуксиз таълим тизимида ёшлар маънавиятини шакл-
лантириш. –Т.: «Fan va texnologiya», 2014, 128 бет.**

ISBN 978–9943–975–26–2

Мазкур монографияда узлуксиз таълим тизимида ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий ва педагогик шарт-шароитлари ҳамда унинг ўзига хос хусусиятлари, маънавий-маърифий ишлар жараёнида соғлом турмуш маданиятига эга маънавий баркамол шахсни шакллантириш, бу борада фуқаролик жамияти институтлари билан таълим муассасаларининг педагогик ҳамкорлиги илмий педагогик нуқтаи назардан талқин этилади.

Монография Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қошидаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитасининг ИТД-1 «Жамиятни маънавий - ахлоқий ва маданий ривожлантириш, маънавий кадриятлар, миллий ғоя, маданий мерос, ўзбек халқи ва давлатчилик тарихини ҳамда таълимни узвийлик ва узлуксизлигини, баркамол авлод тарбиясини тадқиқ этиш» йўналишидаги «Узлуксиз таълим тизимида ёшлар маънавий маданиятини шакллантириш жараёнини модернизация қилиш технологияси» амалий тадқиқотлари доирасида тайёрланган.

Ундан мактабгача тарбия муассасалари тарбиячилари, умумий ўрта таълим мактаблари ўқитувчилари, олий ва ўрта махсус таълим муассасалари профессор-ўқитувчилари, ота-оналар, фуқаролик жамияти институти мутасаддилари ҳамда кенг жамоатчилик ўз амалий фаолиятларида фойдаланишлари мумкин.

УЎК: 37.017.92
КБК 74.202.4

Муаллифлар:

**О.Мусурманова, А.Қирғизбоев, О.Жамолдинова, С.Йўлдошева,
К.Рискулова, Г.Атаева**

Масъул муҳаррир: **Н.Исакулова** – педагогика фанлар доктори, доцент

Тақризчилар: **Н. Эгамбердиева** – педагогика фанлари доктори, профессор;
М.Абдужабборова – педагогика фанлари номзоди.

Монография «OYDIN HAYOT» Республика соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш маркази йигилишининг 2014 йил 12 сентябрдаги 9-сонли қарори билан нашр этилди.

ISBN 978–9943–975–26–2

© «Fan va texnologiya» нашриёти, 2014.

КИРИШ

Маънавий комиллик – жамият тараққиётининг пойдеворидир. Дарҳақиқат, мамлакатимизда барча соҳаларда амалга оширилаётган ислохотларнинг самарадорлиги инсоннинг маънавий баркамоллигига боғлиқдир. Шу боис мустақиллик йилларида маънавий ва жисмоний баркамол шахсни шакллантириш борасида ҳукуматимиз томонидан муҳим ишлар амалга ошириб келинмоқда. Президентимиз И.Каримов «Юксак маънавият–енгилмас куч» асарида таъкидлаганидек: «Биз халқимизнинг дунёда ҳеч кимдан кам бўлмаслиги, фарзандларимизнинг биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлиб яшаши учун бор куч ва имкониятларимизни сафарбар этаётган эканмиз, бу борада маънавий тарбия масаласи, ҳеч шубҳасиз беқиёс аҳамият касб этади. Агар биз бу масалада ҳушёрлик ва сезгирлигимизни, қатъият ва масъулиятимизни йўқотсак, бу ўта муҳим ишни ўз ҳолига, ўзибўларчиликка ташлаб қўядиган бўлсак, муқаддас қадриятларимизга йўғрилган ва улардан озиқланган маънавиятимиздан, тарихий хотирамиздан айрилиб охир-оқибатда ўзимиз интилган умумбашарий тараққиёт йўлидан четга чиқиб қолишимиз мумкин»¹.

Шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 25 августдаги ПҚ-451-сонли «Миллий ғоя тарғиботи ва маънавий-маърифий ишлар самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги қарорининг қабул қилиниши мамлакатимизда маънавият соҳасида олиб борилаётган ишларга туб бурилиш ясашига имкон берди.

Ушбу методологик ғояни амалга оширишда жамиятимиздаги барча институтлар масъулдирлар. Айниқса, узлуксиз таълим тизимида амалга ошириладиган таълим ва тарбия жараёнида ёшлар маънавиятини шакллантириш самарали кечади. Шунингдек, таълим муассасалари билан фуқаролик жамияти институтлари ҳамкорлигида амалга ошириладиган маънавий-маърифий ишлар ҳам ёшлар маънавиятини шакллантиришда муҳим аҳамият касб этади.

Мазкур монографияда муаллифлар гуруҳи томонидан узлуксиз таълим тизимида ёшлар маънавиятини шакллантиришнинг ҳуқуқий

¹ Каримова И.А. Юксак маънавият-енгилмас куч. -Т.: «Маънавият», 2008. - Б.4.

ва педагогик шарт-шароитлари, маънавий-маърифий ишлар жараёнида соғлом турмуш маданиятига эга маънавий баркамол шахсни шакллантириш ҳамда фуқаролик жамияти институтлари педагогик ҳамкорлигининг илмий-назарий ва амалий ўзига хос хусусиятлари ёритиб берилган.

Монографиядан узлуксиз таълим тизими ижтимоий-гуманитар фанлар ўқитувчилари, маънавий-маърифий ишлар билан шуғулланувчи мутасадди мутахассислари, фуқаролик жамияти институтлари мутахассислари, ёшлар маънавияти масалалари билан шуғулланувчи илмий тадқиқотчилар ҳамда ота-оналар фойдаланишлари мумкин.

УЗЛУКСИЗ ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИНИ ШАКЛЛАНТИРИШНИНГ ҲУҚУҚИЙ АСОСЛАРИ ВА УНИНГ ЎЗИГА ХОС АНДОЗАСИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.Каримовнинг миллий маънавий тикланиш концепцияси ҳамда тараққиётнинг «ўзбек модели»да ўзига хос тарзда ёшларимизнинг дунёқарашини ривожлантириш, уларнинг ҳуқуқлари, манфаатларини ҳимоя қилиш борасида қатор ҳуқуқий база яратилди.

Мустақиллик йилларида мамлакатимизда ёшлар манфаатини тўлиқ таъминлаш ва ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий соҳалардаги фаоллигини ошириш учун ҳар томонлама шарт-шароитлар яратилди. Биргина қонунчилик соҳасида ёшлар ҳуқуқлари, манфаати ва эркинлигини ҳимоя қилишга доир йигирмадан ортиқ қонунлар қабул қилинди, ўттиздан ортиқ халқаро ҳужжатларга имзо чекилди. Хусусан, Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури, «Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг асослари тўғрисида»ги, «Таълим тўғрисида»ги, «Бола ҳуқуқларининг кафолатлари тўғрисида»ги Қонунлар, «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармон, 2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ва бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларнинг қабул қилиниб, ҳаётда татбиқ этилаётгани катта аҳамиятга эга бўлди.

Давлат ёшлар сиёсати, сиёсий ва иқтисодий ўзгартиришлар шароитида Ўзбекистон демографик хусусиятлари, аҳоли менталитети, ёш авлоднинг тақдирига бўлган анъанавий муносабатлар, моддий, иқтисодий, сиёсий ва маънавий омиллар, ёшларни жамият янгилиниш жараёнларига фаол жалб этиш заруратини ҳисобга олади. Ҳаракатчанлиги ва жамиятнинг янгилинишидан манфаатдорлиги туфайли ёшлар ўзига хос ғайрат, ташаббускорлик, барча янги ва илғор нарсаларга мойиллиги боис, олиб борилаётган ўзгаришлар йўлининг улкан бунёдкор салоҳиятига, асосий ижтимоий негизига айланади.

Бунга эса Ўзбекистон танлаган ривожланиш модели қудратли сиёсий омил бўлиб хизмат қилади. У мамлакат ҳудудида тарихан вужудга келган жамиятнинг кўп миллатли таркибини сақлаш ва мустаҳкамлаш, халқнинг бой ахлоқий ва маданий меросини тиклаш, ривожлантириш, анъаналар давомийлигини таъминлашни

кўзда тутати. Жамиятнинг ҳозирги ривожланиш босқичида Ўзбекистон фуқаролари – ёш авлоди буларнинг ҳаммасини муносиб меросхўри бўлиб, уларни ўзида мужассам этади.

Буларнинг ҳаммаси умумдават манфаатлари ва устуворликлари тизимида ёшлар сиёсатининг объектив ўрнини белгилайди. У эса ўз навбатида Ўзбекистонда кучли демократик давлат ва фуқаролик жамияти, барқарор ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисоди, мустақиллик маънавий асосларини амалда яратиш вазифалари комплекси билан чамбарчас боғлиқ. Ижтимоий-сиёсий муносабатлар тизимида ёшлар: мамлакат ижтимоий-сиёсий ҳаёти барча томонларини янгилаш ижтимоий негизи, жамиятнинг мамлакат тақдири ва унинг келажаги учун фуқаролик масъулият ҳисси ривожланган сиёсий фаол қисмини тўлдириб бориш манбаси, жамият барқарорлигини таъминлашда ўзига хос хусусиятларни ҳисобга олиш зарур бўлган аҳоли тоифаси сифатида қаралади.

Истиқлол йилларида демократик ва бозор ўзгаришлари талабларига мос равишда таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимида туб ислохотлар амалга оширилди. Ушбу ниҳоятда муҳим соҳадаги чуқур ислохотлар Президентимиз Ислам Каримов ташаббуси билан 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Таълим тўғрисида»ги Қонун, айти пайтда кўлами, қамрови ва мақсадлари аниқ Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури асосида амалга оширилди. Мамлакатимизда таълим шахс, жамият ва давлатнинг иқтисодий, ижтимоий, илмий-техник ва маданий эҳтиёжларини таъминлайдиган устувор соҳа, деб эълон қилинган. Мавжуд таълим муассасаларини давр талабларини ҳисобга олган ҳолда ислох қилишдан ташқари МДХ давлатларида ўхшаши йўқ янги турдаги ўқув юртлари – касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар ташкил этилди. Шу тарзда иқтисодиёт ва ижтимоий соҳанинг барча тармоқлари учун юқори малакали, рақобатбардош кадрлар тайёрлашга, ёшларни маънавий-ахлоқий ва ҳар томонлама ижодий ривожлантиришга йўналтирилган узлуксиз ўқув-илмий-ишлаб чиқариш таълимининг яхлит тизими шакллантирилди.

Мамлакатимизда таълим тизимини ривожлантиришга қаратилган унинг меъёрий-ҳуқуқий асослари қуйидаги ҳужжатларда белгилаб берилди ҳамда улар базасида энг муҳим йўналиш ва натижалари ижроси таъминланди:

I. «Таълим тўғрисида»ги Қонун (1992 йил 2 июль). Мустақил давлатимиз раҳбарияти энг аввало, ишни таълим соҳасидаги давлат

сиёсатининг ҳуқуқий асосларини яратиб беришдан бошлади. Собик Иттифоқ таркибига кирган республикалар ичида биринчилардан бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг Олий Кенгаши 1992 йил 2 июлда «Таълим тўғрисида»ги Қонунини тасдиқлади. Бу дастуриламал ҳужжатда таълим соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий тамойиллари, таълим тизими, унинг бошқарув таркиби, педагог ходимларнинг ҳақ-ҳуқуқлари, бурч ва масъулиятлари аниқ белгилаб берилди. Бинобарин, бу муҳим давлат ҳужжатининг қабул қилиниши таълим соҳасида амалга ошириладиган барча ислохотларнинг муқаддимаси ҳамда ҳуқуқий кафолати эди.

II. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси (1992 йил 8 декабрь). Асосий қонун Ўзбекистон халқининг хоҳиш-иродасидан келиб чиқиб, миллий ва умуминсоний қадриятларни уйғунлаштирган ҳолда, ёшлар онгига сингдиришнинг ҳуқуқий асосларини ўзида ифода этган. Конституция барча фуқаролар қатори ёшларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашнинг ҳуқуқий ва меъёрий жиҳатларини ҳам ўзида акс эттирди. Жумладан, унинг 41-моддасида «Ҳар ким билим олиш ҳуқуқига эга. Бепул умумий таълим олиш давлат томонидан кафолатланади. Мактаб ишлари давлат назоратидадир», 45-моддасида «Вояга етмаганлар, меҳнатга лаёқатсизлар ва ёлғиз кексаларнинг ҳуқуқлари давлат ҳимоясидадир», 66-моддасида «Вояга етган, меҳнатга лаёқатли фарзандлар ўз ота-оналари ҳақида ғамхўрлик қилишга мажбурдирлар», 117-моддасида «Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эгадирлар», деб белгилаб қўйилгани фикримизнинг далилидир. Ҳақиқатан ҳам, Ўзбекистон Республикаси мустақил, демократик, ҳуқуқий, инсонпарварлик қоидаларига асосланган, миллати, дини, ижтимоий аҳволи, сиёсий эътиқодидан қатъи назар, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаб берадиган давлатдир.

Шунингдек, Президентимизнинг 1993 йил 29 декабрдаги Фармонида биноан октябрь ойининг биринчи якшанбаси халқ таълими ходимлари куни (касб байрами сифатида) деб белгиланди. 1996 йил 9 сентябрдаги «Маънавият ва маърифат жамоатчилиқ маркази фаолиятини янада такомиллаштириш ва самарадорлигини ошириш тўғрисида»ги Фармони муносабати билан ёш авлодни буюк анъаналаримизга, юксак маънавий қадриятларимизга содиқлик ва ёруғ келажак эгалари эканликларига қатъий ишонч руҳида тарбиялаш мақсадида 1997 йилдан бошлаб, 1 октябрь «Ўқитув-

чилар ва мураббийлар куни» – умумхалқ байрами ҳамда дам олиш куни деб эълон қилинди.

III. «Таълим тўғрисида»ги (1997 йил 29 август) Қонун (янги таҳрири) ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури. Президентимиз Ислоом Каримов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг IX сессиясида (1997 йилда 29 август) «Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори» мавзусидаги нутқида 1991–1997 йиллар давомида мамлакатимизда амалга оширилган таълим-тарбия тизимидаги ислохотларни танқидий баҳолади: «Собиқ Иттифок даврининг охирида 11 йиллик ўқув тизимига ўтдик. 11 йиллик тизим таркибан 3 қисмга бўлинади: бошланғич таълим – 4 йил, тўлиқсиз ўрта таълим – 9 йил ва ниҳоят, 2 йиллик тўлиқ ўрта таълим... Бизга битирувчилар эмас, мактаб таълими ва тарбиясини кўрган шахслар керак... Демократик жамиятда ёшлар, умуман, ҳар бир инсон эркин фикрлайдиган этиб тарбияланади».

Президентимиз 9-синфни тугатаётганларнинг кейинги йўли – тақдири қандай бўлиши зарурлигини пухта асослаб берди: «Республикаимизда тахминан 5 миллион 200 минг мактаб ўқувчисидан 9-синфни битираётганлар 450 минг нафар болани ташкил қилади...

Маълумотларга қараганда, уларнинг 250 минг нафарга яқини, яъни 55 фоизи 10-синфда ўқишни давом эттирар экан, тахминан 100 минг нафари ҳунар-техника ёки махсус ўқув юртларига кириши мумкин. Қолганлари эса – гап 100 минг нафар ёшларимиз ҳақида кетяпти – ҳисоб-китоб бўйича, умуман кўчада қолмоқда».

Шу боисдан ҳам 1997 йил 29 августда бевосита Президентимиз ташаббуси билан «Таълим тўғрисида»ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг қабул қилинганида катта маъно бор. Қабул қилинган дастурга мувофиқ, мамлакатимизда 9+3 схемаси бўйича 12 йиллик умумий мажбурий бепул таълим тизими жорий этилди.

IV. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 6 октябрдаги «Таълим-тарбия ва кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан ислоҳ қилиш, баркамол авлодни вояга етказиш тўғрисида»ги Фармони. Мавжуд таълим-тарбия тизимини тубдан ислоҳ қилиш, уни замон талаблари даражасига кўтариш, миллий кадрлар тайёрлашнинг янги тизимини барпо этиш, келажак учун баркамол, салоҳиятли авлодни тарбиялаш мақсадида ушбу фармон билан «Таълим тўғрисида» ги Қонун ва Кадрлар тайёрлаш Миллий

дастурни ҳаётга татбиқ этиш ишлари давлат сиёсатининг устувор йўналиши этиб белгиланди.

Ўзбекистонда таълим республика ижтимоий-иқтисодий, ғоявий-маданий ҳаётининг энг муҳим йўналишидир. Таълимнинг ҳуқуқий асослари мамлакатимиз Конституцияси, «Таълим тўғрисида»ги Қонуни ва Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурида ўз аксини топган.

Кадрлар тайёрлаш миллий моделининг асосий таркибий қисмлари шахс, давлат ва жамият, узлуксиз таълим, фан, ишлаб чиқариш бир бутун тизими юзага келди.

Бундан 17 йил олдин қабул қилинган, Кадрлар тайёрлаш миллий дастури деб ном олган Таълим соҳасини ислоҳ қилиш дастури мамлакатимизда янги жамият қуришнинг босқичма-босқич ва тадрижий ривожланиш принципига асосланган иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларнинг биз танлаган «ўзбек модели» – ўз тараққиёт йўлимизнинг таркибий қисмидир... Бу дастур ҳаётда ўз фикрига, ўзининг қарашлари ва қатъий фуқаролик позициясига эга бўлган, ҳар томонлама етук ва мустақил фикрлайдиган шахсни шакллантиришни мақсад қилиб қўйди.

V. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 24 февралдаги «Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежларини ташкил этиш ва уларнинг фаолиятини бошқариш тўғрисида»ги 77-Қарори. Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 13 майдаги «Ўзбекистон Республикаси ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги 204-Қарорига кўра, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 60 кишидан иборат Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази (Марказ) ташкил этилди. 1998 йилда академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари дастлаб тажриба тариқасида фаолият юрита бошлади. Академик лицейларга барча (9-синф) битирувчиларнинг тахминан 10–15 фоизи танлов асосида қабул қилинди.

Касб-ҳунар коллежлари учун юқори малакали педагог ва педагог-муҳандислар тайёрлаш бўйича 3 та оталиқ ҳудуд (минтақавий) бўйича тегишли олий ўқув юртлари бириктирилди:

- 1) Бухоро озиқ-овқат ва енгил саноат технологияси институти;
- 2) Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика университети;
- 3) Наманган муҳандислик-педагогика институтида кадрлар тайёрлаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастурининг амалий ижросига, шунингдек, бакалавр ва магистр кадрлар тайёрлаш масаласига бағишланган Ўзбекистон Президентининг ўндан ортиқ фармон ва фармойишлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари қабул қилинди. Хусусан, 2004 йил 19 февралда Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2004–2008 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш дастурини тайёрлаш чоратадбирлари тўғрисида»ги Фармойиши, 2004 йил 21 майда «2004–2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантиришнинг давлат умуммиллий дастури тўғрисида»ги Фармонининг қабул қилиниши миллий таълим ривожига янги тарихий босқични бошлаб берди.

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури ва Мактаб таълимини ривожлантириш давлат умуммиллий дастурининг ижроси амалда ниҳоясига етказилди. 9 йиллик умумий ўрта таълим мактаб босқичини ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-хунар таълими босқичини ўз ичига олган узвийлик тизими яратилди. Бир сўз билан айтганда, фарзандларимизга умумий таълим билан бирга, замонавий касб-хунарга эга бўлиш имконини берадиган 12 йиллик таълим тизимига ўтиш яқунланмоқда.

Ўзбекистонда 12 йиллик таълим барча учун мажбурий экани қонунларимизда белгилаб кўйилган (Халқ сўзи, 2012 йил 18 февраль). 12 йиллик мажбурий таълимдан сўнг ёшларнинг ҳар бири, ўз хоҳишига кўра, бакалавр ва магистр даражасини олиш учун олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириши мумкин.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжатларда, биринчидан, янги таълим тизими, иккинчидан, янги авлод кадрларини тайёрлашда таълим соҳасидаги ўзгаришлар, янги касб соҳаларининг пайдо бўлгани ва уларнинг Ўзбекистон шароити, аҳамияти билан боғлиқ жиҳатлари, учинчидан, бунда ҳар бир вилоят, ҳудуд ва минтақа хусусиятларини ҳисобга олиш тажрибасининг афзалликлари, тўртинчидан, мамлакатимиз олий таълим соҳасидаги 71 та муассаса тайёрлаб берадиган янги авлод кадрлари, уларнинг умумий ва ўзига хос жиҳатларига эътибор қаратилди.

VI. Миллий истиқлол ғояси ва мафкураси. 2001 йил 18 январда Ўзбекистон Президентининг «Миллий истиқлол ғояси: асосий тушунча ва тамойиллар фани бўйича таълим дастурларини яратиш ва республика таълим тизимига жорий этиш тўғрисида»ги Фармойиши Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг маъно-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi <https://kitobxon.com/uz/asar/915> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси <https://kitobxon.com/uz/asar/915> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию можно найти на сайте <https://kitobxon.com/ru/asar/915>